

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ АХБОРОТ-ТАҲЛИЛ ФАОЛИЯТИДА ТИЗИМЛИ ТАҲЛИЛ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА ТУЗИЛМАСИ

САИДОВ ЖАСУРБЕК САТИМБАЕВИЧ
ИИВ Академияси мустақил изланувчиси

Аннотация: Мақолада ички ишлар органларида олиб бориладиган ахборот-таҳлил фаолиятининг ўзига хосликлари ва ундаги ахборот-таҳлил тизимининг ишлашида тизимли фикрлаш ва тизимли таҳлилнинг муҳим жиҳатлари кўрсатиб ўтилиб, амалиёт тажрибаларига таянган ҳолда ахборот-таҳлилий жараёнда маълумотнома тайёрлашнинг муҳим жиҳатлари баён этилган.

Калит сўзлар: ахборот, тизим, таҳлил, қарор, маълумот, таҳлилий материал, жараён, таҳлилчи.

Бугунги кунда тизимли таҳлилни амалга ошириш бўйича универсал бўлган методиканинг ўзи йўқ. Бу каби методика таҳлилчида тизимни тадқиқ қилиш жараёнини формаллаштиришга имкон берувчи (юзага келган муаммони аниқлаш ва ҳал қилишни ўз ичига олган) маълумотларнинг йўқлигида ишлаб чиқилади ва тадбиқ қилинади. Умумий сўзлар билан изоҳлаганда, жараён ва ҳодисаларнинг тизимларни шакллантира олиши, табиий тизимларнинг мавжудлиги, бизни ўраб турган моддий оламнинг ва уни англаш шакллариининг тизимли қурилганлиги тизимлилик деб аталади.

Ўрганилаётган жамият ва давлат хавфсизлиги муаммоларининг тизимлилик хусусияти олиб борилаётган тадқиқотларнинг мураккаблигини ва комплекслигини, тизимли таҳлилни ўзининг моҳиятини ва тузилмасини ҳар томонлама ўрганишини аниқлаштириш тизимли таҳлилчига қўйиладиган асосий талаблардан бири ҳисобланади.

Тизим – ўзаро боғлиқ ва ўзаро муносабатдаги элементларнинг тартибга солинган йиғиндиси.



Тартибга солинганлик ҳар бир элементнинг ўрни ва функцияси бутун тизимга билдирилган талабдан келиб чиққан ҳолда ифодаланади.

Тизимли таҳлил нуқтаи назаридан **тизим** бу муаммони ечиш жараёнини амалга оширишга кўмаклашувчи восита.

Ресурслардан фойдаланиш самарадорлигини ўзгартириш қуйидагилар билан ўлчанади:

- 1) бошқа кўрсаткичларга сезиларли даражада таъсир қилмаган ҳолда ресурсларга бўлган эҳтиёжни камайтириш;
- 2) ноаниқликни камайтирган ҳолда хавфга бўлган таъсирчанлик ҳолатини пасайтириш;
- 3) мезонлар билан ўлчанадиган муайян нисбий катталиқни ўзгартириш.

Яхлит тизим белгилари

Яхлит тизим ўзи ташкил топган компонентларга фаол таъсир кўрсатади ва уларни ўзининг табиатига кўра қайта тузади.

Яхлит тизим сифати уни таркибини ташкил қилувчи компонентларнинг сифатлари йиғиндисига тенг эмас. Тизим учун унинг ўзига хос жиҳатларини акс этувчи янги интеграциялашган сифатлар ҳам хосдир.

Тизимли таҳлил тамойиллари – бу инсоннинг мураккаб тизимлар билан ишлаш тажрибасини умумлаштирувчи умумий характердаги айрим қоидалар. Кўп муаллифлар тамойилларни муайян фарқлар билан изоҳлашади. Чунки бу масалада умумқабул қилинган таърифнинг ўзи йўқ. Бироқ қандай бўлмасин барча таърифлар битта тушунчани изоҳлашади.

Сўнги мақсад тамойили. Бу якуний (глобал) мақсаднинг буткул устуворлиги. Тамойил бир қатор қоидаларга эга:

- тизимли таҳлил ўтказиш учун биринчи навбатда тадқиқот мақсадини аниқ шакллантириш зарур. Ноаниқ ёки тўлиқ бўлган мақсадлар нотўғри натижаларга хулосаларга олиб келади;
- таҳлилни биринчи навбатда тадқиқ қилинаётган тизимнинг асосий мақсадини (асосий белгиланган функциялари) аниқлаштириб олиш асосида



олиб бориш керак. Бундай ёндашув унинг аҳамиятли хусусиятларини, сифат кўрсаткичларини ва баҳолаш мезонларини аниқлашга имкон беради;

– тизимларни синтез қилишда ўзгартиришга ёки такомиллаштиришга нисбатан бўлган ҳар қандай уриниш уни сўнгги мақсадга эришишга кўмаклашишига ёки халақит беришига нисбатан баҳоланиши мумкин;

– сунъий тизим фаолиятининг мақсади, одатда, тизим томонидан белгиланади. Чунки у тадқиқ қилинаётган тизим таркибий қисми ҳисобланади.

Ўлчаш тамойили. Муайян тизим фаолиятининг сифатини баҳолашни фақат ундан юқори поғонада бўлган тизимга қиёслаб амалга ошириш мумкин. Бошқа сўз билан айтганда, тизим фаолияти самарадорлигини аниқлаш учун уни умумийликни бир қисми сифатида тассаввур қилиб, тадқиқ қилинаётган тизимнинг ташқи хусусиятларини супертизимнинг мақсади ва вазифаларига нисбатан баҳолаш керак.

Эквифиналлик тамойили. Тизим вақтдан мустақил бўлган ва бошланғич шароитларнинг ва йўлларнинг ҳар хиллигида тизимнинг бевосита хусусий жиҳатлари билан аниқланган талаб қилинадиган сўнгги ҳолатга эришиши мумкин. Бу ҳолат бошланғич ва чегаравий шароитларга нисбатан бўлган турғунлик шаклидир.

Бирлик тамойили. Бу тизимни яхлит ва қисмлар (элементлар) йиғиндиси сифатида биргаликда кўриш. Тамойил тизимнинг “ичига назар ташлашга” ва уни тизим тўғрисида таассуротни сақлаб қолган ҳолда бўлақларга ажратиб ташлашга мўлжалланган.

Боғлиқлик тамойили. Ҳар қандай қисмни уни қамраб турган муҳити билан биргаликда ўрганиш, тизим элементлари ўртасидаги алоқаларни ва ташқи муҳит билан бўлган алоқаларни (ташқи муҳитни ҳисобга олиш) аниқлаш жараёнларини ўтказишни назарда тутати. Ушбу тамойилга асосан тизимни, биринчи ўринда, супер тизим ёки катта тизим деб белгиланган бошқа тизимнинг бир қисми (элемент, қуйи тизим) сифатида қабул қилиш керак.

Модулли қуриш тамойили. Тизимда модулларни ажратиб олиш ва уларни модуллар йиғиндиси сифатида кўриб чиқиш фойдали. Тамойил тизимнинг қисмини ўрнига унинг кириш ва чиқиш таъсирлари йиғиндисини тадқиқ қилиши мумкинлигига ишора қилади (ортиқча майдалашишдан узоқлашади).

Иерархиялик тамойили. Қисмлар иерархиясини жорий қилиш ва уларни катта кичикка ажратиш фойдали. Бу йўл тизим билан ишлашни энгиллаштиради ва қисмларни кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

Функционаллик тамойили. Бу тузилма билан функцияни биргаликда кўриш. Фақат функциянинг устуворлиги белгиланган ҳолатда. Тамойил ҳар қандай тузилма тизим функцияси ва унинг қисмлари билан ўта боғлиқлигини тасдиқлайди. Муаммони ечишга бўлган умумий ёндашув цикл сифатида тақдим қилиниши мумкин. Шу ўринда реал тизимнинг фаолияти давомида амалдаги иш ҳолатининг талабга жавоб бермаслиги сифатида амалиёт муаммоси аниқланади. Муаммони ҳал қилишда тизим тизимли таҳлил (декомпозиция, таҳлил ва синтез) қилинади. Синтез жараёнида таҳлил ва синтез қилинаётган тизим баҳоланади. Синтез қилинган тизимни тақдим қилинаётган тизим кўринишида амалга ошириш муаммони ҳал қилинганлик даражасини баҳолашга ва модернизация қилинган (янги) реал тизим фаолияти бўйича қарор қабул қилишга кўмаклашади.

Бундай ҳолат, қоидага кўра, кўйилган мақсадни бажарилишини таъминлаш учун марказлашиш даражаси минимал бўлиши кераклигини англатади.

Марказлашмаган бошқарувнинг камчилиги – тизим мослашув вақтининг юқорилигида. Бу камчилик тез ўзгариб турувчи муҳитларда тизим фаолиятига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Марказлашган тизимларда қисқа вақт ичида амалга ошадиган нарса марказлашмаган тизимда жудаям секин суратларда амалга ошади.

Марказлашган бошқарув камчилиги шундаки, катта бошқарув тизимида қайта ишланиши керак бўлган ахборот оқимининг кўплигидан бошқарув мураккаблашади. Шунинг учун мураккаб тизимда одатда иккита бошқарув даражаси бўлади. Секинлик билан ўзгараётган шароитда тизимнинг марказлашмаган қисми тизимнинг мослашув ҳаракатланиши билан ижобий “тил топишади” ва тезкор бошқарув ҳисобига тизимнинг глобал мақсадига эришиши билан, муҳитнинг тез суръатларда ўзгаришида эса тизимни янги ҳолатга ўтказиш бўйича марказлашган бошқарув амалга оширилади.

Шундай қилиб, тизимли таҳлил тамойиллари бошқа бир қатор таҳлил услублари тамойилларининг йиғиндиси эканлиги тўғрисидаги фикр бироз нотўғридир. Чунки таҳлил услубларининг умумий тамойиллари билан бир

каторда тизимли таҳлил ўзининг хусусий тамойилларига асосланар экан, бу унинг моҳиятини янада равшанлаштиради.

Бундан ташқари, “тизим” деганда ўзаро алоқадор ва бир-бири билан ҳамкорликда бўлган қуйи тизимлар йиғиндиси тушунилганлиги учун таҳлилни унинг тузилмасини аниқлашдан бошлаш мақсадга мувофиқ. Алоҳида бўлган қуйи тизимларни тадқиқ қилишни ажратиб олган ҳолда амалга оширмасдан, аксинча уларнинг алоқаларини инобатга олиб бажариш керак. Шунинг учун, тадқиқот натижаларига сезиларли таъсир қиладиган тизим шакллантирувчи алоқаларни ажратиб олиш қобилиятига эга бўлиш керак.

Шуни унутмаслик керакки, қуйи тизимлар тизимларнинг мақсадга йўналтирилган фаолияти жараёнида бир-бирлари билан алоқага киришади. Бундан шу нарса келиб чиқадики, тизимларни таҳлил қилиш жараёнида алоҳидаги қуйи тизимлар фаолият мақсадини аниқлаб батафсил ўрганиб чиқиш сўнг уларни тизим мақсадига тўғри келиши бўйича ишонч ҳосил қилиш ўта муҳим ҳисобланади. Агар ушбу тамойил ишламаётган бўлса, уни тиклаш керак, чунки у тизим фаолияти самарадорлигини оширишда зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Силич В.А., Силич М.П., “Системный анализ и исследование операций”; http://www.hs.uz/e_library/silich_sys_analysis/index.htm.
2. Беляев А.А. и др. Альбом схем по социологии и политологии. – М.: Щит-М, 2001.
3. Боришполец К.П., Методы политических исследований. «Аспект Пресс» - Москва, 2005 г. Стр. 95-113.
4. Муминов Ф.С. Основы системного анализа. – Т.: Олий мактаб, 2003.
5. Симонов К.В. Политический анализ: Учебное пособие. – М.: Логос, 2002. http://www.hs.uz/e_library/siminov_polit_analis/index.htm
6. Перегудов Ф.И., Тарасенко Ф.П. Введение в системный анализ: Учебное пособие для ВУЗ. – М.: Высшая школа, 1989
7. Системный анализ и принятие решений. Словарь-справочник: Учебное пособие для вузов/под ред. В.Н.Волковой, В.Н.Козлова. – М.: Высшая школа, 2004. – 616 с.

